

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗАЕВА УМИДА ЗАХИДОВНА

**КОВИД АСОРАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШИДА МЕТАБОЛИК
СИНДРОМИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мирзаева Умида Захидовна

Ковид асоратларини ривожланишида метаболик
синдроми ва унинг таркибий қисмлари..... 3

Мирзаева Умида Захидовна

Метаболический синдром и его компоненты в
развитии постковидных осложнений..... 25

Mirzaeva Umida Zakhidovna

Metabolic syndrome and its components in the
development of post-covid complications..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗАЕВА УМИДА ЗАХИДОВНА

**КОВИД АСОРАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШИДА МЕТАБОЛИК
СИНДРОМИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3728 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Насирова Хуршидахон Кудратуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Шагазатова Барно Хабибуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алимухамедова Гулрух Ойбековна
тиббиёт фанлари доктори, етакчи илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашининг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ю.М. Урманова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Метаболик синдром - патогенетик механизмларнинг умумийлиги билан боғлиқ бўлган модда алмашинуви жараёнларининг бузилиши (қорин соҳасидаги семизлик, углевод алмашинувининг бузилиши, дислипидемия ва артериал гипертензия) ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, 2022 йил ҳолатига кўра, 2,5 миллиард катта ёшли аҳоли (18 ёш ва ундан катта) ортиқча вазнга эга бўлиб, улардан 890 миллиони семизликдан азият чеккан¹. ЖССТ маълумотларига кўра, Ўзбекистонда семизликнинг тарқалиши 2016-2020 йиллар оралиғида 16,6 фоиздан 28,0 фоизгача ошган ². Метаболик бузилишлар макрофаглар ва лимфоцитлар фаолиятининг бузилиши натижасида иммунитет тизимининг заифлашишига олиб келиши мумкин, бу эса одамларни касалликларнинг асоратларига кўпроқ моил қилиб қўяди. Семизлик кўплаб физиологик жараёнларга таъсир кўрсатиб, турли тизимлар, шу жумладан иммунитет тизими функцияларини ўзгартиради. Семиз одамлар нафас йўллари вирусли инфекцияларига, касалликнинг оғир шакллари ва инфекциядан кейинги салбий оқибатларга, жумладан касалхонага ётқизиши, реанимация бўлимига жойлаштирилиши ва ўлимга кўпроқ моил бўладилар.

Коронавирус инфекцияси (COVID-19) пандемияси даврида ва ундан кейин ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, метаболик синдром ҳамда унинг алоҳида таркибий қисмлари (гипергликемия, гипертензия ва субклиник яллиғланиш) COVID-19 нинг оғир кечиш хавфини оширади. Метаболик синдром ва COVID-19 нинг ўзаро таъсири ковиддан кейинги эндокрин, юрак-қон томир, асаб тизими ва бошқа бир қатор асоратларнинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Метаболик синдром фонида COVID-19 нинг оғир кечиши 41,3% ҳолатларда кузатилган бўлса, метаболик синдромсиз беморларда бу кўрсаткич 13,8% ни ташкил этган³.

Мамлакатимизда “Соғлом аҳоли – 2030” стратегияси лойиҳаси доирасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликларни эрта аниқлаш, даволаш ва уларнинг асоратларини олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли тавсиялар мажмуаси кўзда тутилган. Бу борада концепциянинг устувор стратегик йўналишлари алоҳида аҳамият касб этади. Улар қаторига ортиқча вазн, семизлик, қон босимининг ошиши, углевод ва ёғ алмашинувининг бузилиши каби юқумли бўлмаган касалликлар ҳамда уларнинг хавф омилларига қарши курашиш киради.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фармонлари ва қарорларида белгиланган вазифаларни маълум даражада амалга оширишга хизмат қилади: 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2022 йил 1 январдаги ПФ-102-сон

¹ Lingvay I., Cohen R., Roux C., Sumithran P. Obesity in adults. Lancet. 2024; 404(10456):972-987. doi: 10.1016/S0140-6736(24)01210-8.

² Jahon Sog‘liqni Saqlash Tashkilotining rasmiy veb-sayti, 2020 <https://www.who.int/ru>.

³ Stefan N., Birkenfeld A., Schulze M. Global pandemics interconnected - obesity, impaired metabolic health and COVID-19. Nat Rev Endocrinol. 2021;17(3):135-149. doi: 10.1038/s41574-020-00462-1.

“Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 19 апрелдаги ПФ-4295-сон “2019-2021 йилларда республика аҳолисига эндокринологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, шунингдек, 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда ушбу соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Метаболик синдром билан оғриган шахсларда COVID-19 нинг салбий оқибатларига сабаб бўлувчи патофизиологик механизмлар бир қатор тадқиқотларда тавсифланган (Dissanayake H., 2023; Kariyawasam J., 2022; Landstra C., 2021; Mal P., 2022). Коронавирус инфекциясининг таъсири анамнезида қандли диабет бўлган одамларда гипергликемиянинг қайта ривожланиши ёки гликемик назоратнинг ёмонлашиши билан боғлиқ. Бунда асосий механизм инсулинга резистентликнинг кучайиши ҳисобланади (Reiterer M., 2021). Гипергликемия, дислипидемия, жигар ферментлари фаоллигининг ўзгариши, эҳтимол, COVID-19 да яллиғланиш жараёнини акс эттиради.

Лию Ж. ва бошқалар (2021) гамма-глутамилтрансфераза (ГГТ) миқдори оғир ҳолатларда енгил ҳолатларга қараганда сезиларли даражада юқори эканлигини ва касалхонада қолиш муддатининг ортиши билан боғлиқлигини аниқладилар. Бундан ташқари, ГГТ миқдори юқори бўлган беморларда интерлейкин-6 (ИЛ-6) ва С-реактив оқсил (СРО) нинг юқори миқдорлари аниқланган, аммо ўсма некрози омили - α (TNF- α) нинг миқдори ошмаган. Муаллифлар ГГТ COVID-19 оғирлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиши мумкинлигини тахмин қилмоқдалар.

Ўтқир коронавирус инфекциясидан соғайгандан сўнг бир йил давомида беморларнинг 1,3 фоизда қандли диабет, 2,0 фоизда эса оч қоринга гликемия бузилиши аниқланган (Maestre-Muñiz M., 2021). Бир қатор олимлар томонидан ўтказилган эпидемиологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, COVID-19 нинг салбий клиник оқибатлари семизлик, метаболик синдром, қандли диабет, гипертония, юрак-қон томир касалликлари каби ҳамроҳ патологиялар билан боғлиқ экан (Chang Y., 2022; Guan W., 2020; Kastora S., 2022; Lingvay I., 2024).

Инсулинрезистентлик ушбу касалликларнинг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, пандемия даврида харажатларни камайтиришга ва ҳисоб-китобларда осон бўлган суррогат маркерларни излаш бугунги кунда долзарб масаладир. Шундай маркерлардан бири - триглицерид-глюкоза индекси (ТГИ) бўлиб, унинг юқори кўрсаткичи қандли диабет,

метаболик синдром, гипертония, юрак-қон томир касалликлари ва COVID-19 нинг оғир кечиши билан боғлиқдир (Lopez-Jaramillo P., 2023; Lumu W., 2023; Rohani-Rasaf M., 2022). Дислипидемиянинг энг мақбул маркерлари инсулинрезистентлик ва метаболик синдром билан боғлиқ бўлган аполипопротеинлар бўлиши мумкин (Naydenova G., 2016; Barkas F., 2016; Lind L., 2006). Zhong L. ва бошқалар (2010) ApoB/ApoA1 нисбати метаболик синдром ва унинг таркибий қисмлари билан боғлиқлигини аниқлаган, бунда метаболик синдром таркибий қисмлари сони ортиши билан ушбу кўрсаткич сезиларли даражада ошган. Илмий адабиётларга кўра, метаболик синдром ва қандли диабет билан кечаётган COVID-19 да Аполипопротеин A1 (ApoA1) нинг пасайиши, Аполипопротеин B (ApoB) нинг кўтарилиши ва ApoB/ ApoA1 нисбатининг ошиши кузатилган (Fahed G., 2022; Feingold K., 2023).

Ўзбекистонда МС ва COVID-19 бўйича тадқиқотлар коронавирус инфекцияси фонида кардиологик жиҳатларга қаратилган. Тадқиқотларнинг асосий қисми қандли диабет билан оғирган беморларда постковид даврининг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек COVID-19 ўтказгандан сўнг илк бор юзага келган қандли диабетнинг янги ҳолатларини ўрганишга бағишланган (Абдиева Г.А., 2023; Алиева А.В., 2023; Убайдуллаева Ш.А., 2024; Ҳайдарова Ф.А., 2022; Тиллашайхова И.М., 2025).

Диссертация мавзусини диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 01980006703-сонли “Болаларда туғма ва орттирилган касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш усуллари тақомиллаштириш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади метаболик синдром ва унинг таркибий қисмлари ҳамда COVID-19 ўртасидаги патогенетик ўзаро боғлиқликларни, шунингдек, коронавирус инфекциясини бошдан кечирган беморларда асоратлар ривожланишини башорат қилишда уларнинг аҳамиятини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

метаболик синдром мавжудлиги ёки йўқлигига қараб COVID-19 нинг ўткир даврида ва коронавирус инфекциясини бошдан кечирган беморларда клиник ва метаболик хусусиятларни баҳолаш;

COVID-19 нинг ўткир даврида метаболик синдром ва унинг алоҳида таркибий қисмларининг прогностик аҳамиятини аниқлаш, шунингдек, ковиддан кейинги асоратларни эрта аниқлашга кўмаклашадиган омиллар мажмуасини белгилаш;

коронавирус инфекциясини бошдан кечирган шахслар орасида метаболик синдром ва унинг таркибий қисмлари бирикмаларининг учраш сонини ўрганиш;

метаболик синдромнинг клиник-анамнестик ва биокимёвий прогностик омилларини аниқлаш ҳамда ковиддан кейинги асоратларни эрта башорат қилиш учун энг муҳим аҳамиятга эга бўлган уларнинг бирикмаларини белгилаш;

сунъий нейрон тармоғи ёрдамида метаболик синдромнинг энг муҳим прогностик омиллари ва уларнинг бирикмаларини ҳисобга олган ҳолда ковиддан кейинги асоратларни башорат қилиш моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: 205 нафар бемор, уларнинг 84 нафари эркаклар ва 121 нафари аёллар. COVID-19 тасдиқланган 102 нафар бемор "Зангиота-1" Республика ихтисослаштирилган кўп тармоқли шифохонасида даволанган. 103 нафар метаболик синдромли (МС) ва МС бўлмаган бемор 2022-йилнинг январь-август ойларида Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида коронавирус инфекциясидан соғайиб, статсионар шароитда даволанган.

Тадқиқот предмети: беморларнинг анамнез маълумотлари, қоннинг умумий клиник, биокимёвий ва иммунологик лаборатория таҳлиллари, шу жумладан липид спектри натижалари, оч қоринга глюкоза, HbA1c, С-реактив оксил, Д-димер, ИЛ-6 ва инсулин даражалари ўрганилган.

Тадқиқот усуллари: Тадқиқот мақсади ва вазифаларини бажариш учун умумклиник, лаборатория, функционал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

метаболик синдром таркибий қисмлари, COVID-19 кечишининг оғирлиги ва триглицерид-глюкоза индекси ва ApoB/ApoA1 нисбатининг кардиал, эндокрин-метаболик, тромботик, респиратор, иммун-яллиғланиш, неврологик, нефрологик ва гепатогастроэнтерологик асоратлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар комплекс баҳоланиб, хавф гуруҳини шакллантиришда юқори диагностик аҳамиятга эга эканлиги асосланган;

ROC-таҳлили ёрдамида илк бор МС билан оғриган беморларда COVID-19 нинг оғир кечиш хавфи юқори бўлган яллиғланиш, гемодинамик ва метаболик белгилар учун диагностик аҳамиятли кесиш нуқталари (cut-off) аниқланган;

сунъий нейрон тармоғи асосида тўрт модулли — метаболик, яллиғланиш-тромботик, клиник ва антропометрик — оригинал комплекс прогностик моделнинг COVID-19 дан кейинги асоратлар ривожланиш хавфини ва COVID-19 нинг турли оғирлик даражаларини (енгил, ўртача оғир, оғир ва ўта оғир шакллари) башорат қилиши асосланган;

COVID-19 нинг оғир кечиши ва кўп аъзоларга таъсир этувчи асоратлар хавфини эрта аниқлашда ишлаб чиқилган моделнинг валидатсияси ўтказилиб, унинг юқори аниқлик кўрсаткичлари (прогностик қиймат — 99,0%, сезгирлик — 97,0%, махсуслик — 85,7%) аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

коронавирус инфекциясини бошдан кечирган метаболик синдром билан оғриган беморларда кўп аъзоли асоратлар ривожланиш хавфи юқори бўлган гуруҳни шакллантириш учун амалий модель таклиф этилди. Бундай асоратларга қуйидагилар киради: юрак-қон томир, эндокрин-метаболик, тромботик, нафас олиш, иммунитет-яллиғланиш, неврологик, нефрологик ва гепатогастроэнтерологик асоратлар;

COVID-19 дан кейинги даврда юрак-қон томир, эндокрин-метаболик, тромботик, нафас олиш, иммунитет-яллиғланиш, неврологик, нефрологик ва гепатогастроэнтерологик асоратлар ривожланиш хавфи юқори бўлган беморларни эрта босқичларда аниқлаш имконини берувчи клиник ва биокимёвий маркерлар комбинациялари аниқланди;

“Коронавирус инфекциясидан кейинги асоратлар ривожланиш эҳтимолини прогноз қилиш” компьютер дастури ишлаб чиқилди ва рўйхатдан ўтказилди (PVROPCI.exe; №DGU 30094, 29.11.2023 й.). Бу дастур клиник-биокимёвий кўрсаткичлар ва метаболик синдром компонентлари асосида эрта босқичларда COVID-19 дан кейинги асоратлар хавфи юқори бўлган беморларни аниқлаш ва ушбу маълумотлардан ўз вақтида профилактика ва даволаш тактикасини аниқлаш учун фойдаланиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонларидан фойдаланилганлиги ва уларнинг сони етарлилиги, лаборатория ва функционал ташхислашнинг замонавий усуллари, услубий ёндашувларнинг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Статистик таҳлил олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти коронавирус инфекциясини ўтказган беморларда метаболик синдромнинг анамнестик, клиник ва биокимёвий белгиларини комплекс баҳолаш ва уларнинг COVID-19 дан кейинги асоратлар шаклланишидаги ролини аниқлашдан иборат. Биринчи марта ушбу тоифадаги беморлар учун триглицерид-глюкоза индекси (ТГИ) ва ApoB/ApoA1 нисбатининг COVID-19 нинг оғир кечиши ва асоратларини олдиндан белгиловчи омиллар сифатидаги юқори аҳамияти кўрсатилди. Бу эса метаболик синдром ва коронавирус инфекцияси ўртасидаги боғлиқликнинг патогенетик механизмлари ҳақидаги тасаввурларни кенгайтиради.

Сунъий нейрон тармоқ усуллари ёрдамида яратилган моделнинг амалий аҳамияти шундаки, у кардиал, эндокрин-метаболик, тромботик, нафас олиш, нефрологик, неврологик ва бошқа асоратлар ривожланиши бўйича юқори хавф гуруҳига кирувчи метаболик синдромли беморларни эрта босқичларда аниқлаш, шунингдек, COVID-19 кечишининг оғирлигини прогноз қилиш имконини беради. Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши беморларни эрта стратификациялаш, профилактик ва даволаш чора-тадбирларини индивидуаллаштириш ҳамда тиббий ёрдам самарадорлигини ошириш имкониятини таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. COVID-19 ўтказган беморларда метаболик синдром ва унинг таркибий қисмларининг клиник-прогностик аҳамиятини баҳолаш ва прогнозлаш усуллари тақомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик. метаболик синдром компонентлари, COVID-19 кечишининг оғирлиги ва триглицерид-глюкоза индекси (ТГИ) ва ApoB/ApoA1 нисбатининг кардиал, эндокрин-метаболик, тромботик, респиратор, иммун-яллиғланиш, неврологик, нефрологик ва гепатогастроэнтерологик асоратлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар комплекс баҳоланиб, хавф гуруҳини

шакллантиришда юқори диагностик аҳамиятга эга эканлиги асосланганлиги Ё.Х. Тўракулов номидаги РИИАТЭМ Самарқанд филиалининг 26.03.2024 йилдаги 21-сон ва РИИАТЭМ Фарғона филиалининг 16.03.2024 йилдаги 16-сон буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19/20-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: шифокорлар яллиғланиш маркерлари, қон босими кўрсаткичлари ва метаболик алмашинув биомаркерлари асосида постковид асоратлар хавфини эрта аниқлаш воситасига эга бўлдилар. Бу ҳар бир беморга индивидуал ёндашиш ва профилактика ҳамда даволаш тадбирларини ўз вақтида ўтказиш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: юқори хавф гуруҳидаги беморларни эрта аниқлаш билан ифодаланади, бу эса асоссиз касалхонага ётқизишлар сонини камайтиришга, касалхонада даволаниш муддатини қисқартиришга ва бир беморни даволаш харажатларини камайтиришга ёрдам беради. Хулоса: Метаболик синдром билан оғриган беморларда асоратлар ривожланиши хавфи юқори бўлган гуруҳларни аниқлашда ТГИ ва АроВ/АроА1 нисбати юқори диагностик аҳамиятга эга экани исботланган. Бу аҳоли саломатлигини яхшилаш, профилактик тадбирларни самарали ташкил этиш ва асоратларни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади;

иккинчи илмий янгилик: ROC-таҳлили ёрдамида илк бор МС билан оғриган беморларда COVID-19 нинг оғир кечиш хавфи юқори бўлган яллиғланиш, гемодинамик ва метаболик белгилар учун диагностик аҳамиятли кесиш нуқталари (cut-off) аниқланганлиги Ё.Х. Тўракулов номидаги РИИАТЭМ Самарқанд филиалининг 26.03.2024 йилдаги 21-сон ва РИИАТЭМ Фарғона филиалининг 16.03.2024 йилдаги 16-сон буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19/20-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: яллиғланиш маркерлари, артериал қон босими кўрсаткичлари ва метаболик алмашинув биомаркерлари асосида постковид асоратлар хавфини эрта аниқлаш имконияти яратилди. Иқтисодий самарадорлиги: юқори хавф гуруҳидаги беморларни эрта аниқлаш асоссиз касалхонага ётқизишлар сонини камайтириш, стационар даволаниш муддатларини қисқартириш ва даволаш харажатларини камайтириш имконини беради, бу эса бемор ва давлат бюджетига тушадиган молиявий юкни енгиллаштиради. Хулоса: таклиф этилган усулларни қўллаш соғлиқни сақлаш тизими ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу беморларга индивидуал ёндашувни таъминлайди, даволаш сифатини яхшилади ва ногиронлик даражасини пасайтириш орқали тиббий ёрдам самарадорлигини оширади;

учинчи илмий янгилик: сунъий нейрон тармоғи асосида тўрт модулли - метаболик, яллиғланиш-тромботик, клиник ва антропометрик - оригинал комплекс прогностик моделнинг COVID-19 дан кейинги асоратлар ривожланиш хавфини ва COVID-19 нинг турли оғирлик даражаларини (енгил, ўртача оғир, оғир ва ўта оғир шакллари) башорат қилиши асосланганлиги Ё.Х. Тўракулов номидаги РИИАТЭМ Самарқанд филиалининг 26.03.2024

йилдаги 21-сон ва РИИАТЭМ Фарғона филиалининг 16.03.2024 йилдаги 16-сон буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19/20-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: Ишлаб чиқилган математик модел жамоат саломатлигига сезиларли ҳисса қўшади, чунки у COVID-19 билан касалланган беморларда асоратлар ривожланиш хавфини тез ва аниқ баҳолаш имконини беради. Бу замонавий тиббий ёндашувларни такомиллаштириш, самарали профилактика чораларини жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини оптималлаштиришга қўмаклашади. Иқтисодий самарадорлиги: клиник амалиётда кўп таркибли математик моделни қўллаш тиббий ресурсларни самарали тақсимлаш ва харажатларни камайтиришга ёрдам беради. Асоратларни эрта ташхислаш беморларнинг такрорий касалхонага ётқизилишини минималлаштириш ва уларни даволаш харажатларини камайтириш имконини беради. Хулоса: Сунъий нейрон тармоғига асосланган кўп таркибли математик моделдан фойдаланиш метаболик синдромли беморларда турли орган тизимларини қамраб олган постковид асоратлар - юрак-қон томир, эндокрин-метаболик, тромботик, нафас олиш, иммун-яллиғланиш, неврологик, нефрологик ва гепатогастроэнтерологик асоратлар ривожланиш хавфини прогноз қилиш имконини беради;

тўртинчи илмий янгилик: COVID-19нинг оғир кечиши ва кўп аъзоларга таъсир этувчи асоратлар хавфини эрта аниқлашда ишлаб чиқилган моделнинг валидацияси ўтказилиб, унинг юқори аниқлик кўрсаткичлари (прогностик қиймат — 99,0%, сезгирлик — 97,0%, махсуслик — 85,7%) аниқланганлиги Ё.Х. Тўракулов номидаги РИИАТЭМ Самарқанд филиалининг 26.03.2024 йилдаги 21-сон ва РИИАТЭМ Фарғона филиалининг 16.03.2024 йилдаги 16-сон буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19/20-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: сунъий интеллектга асосланган модел касалликнинг кечишини прогноз қилиш ва салбий оқибатларнинг олдини олишга ёрдам беради, шунингдек, тиббий хизмат сифатини оширади. Иқтисодий самарадорлиги: моделнинг юқори прогностик аҳамияти ва сезувчанлиги беморларнинг хавфларини аниқ аниқлаш ва оғир ҳолатларга олиб келмасдан, эрта босқичларда индивидуаллаштирилган терапевтик аралашувларни ўтказиш имконини беради. Натижада, қимматбаҳо ва мураккаб таҳлилларни ўтказиш зарурати қисқаради, бу эса соғлиқни сақлаш тизимидаги умумий харажатларни самарали тарзда камайтиришга хизмат қилади. Хулоса: Сунъий нейрон тармоғига асосланган кўп таркибли математик моделдан фойдаланиш метаболик синдромли беморларда турли орган тизимларини қамраб олган постковид асоратлар - юрак-қон томир, эндокрин-метаболик, тромботик, нафас олиш, иммун-яллиғланиш, неврологик, нефрологик ва гепатогастроэнтерологик асоратлар ривожланиш хавфини прогноз қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, ҳимояга тақдим этилаётган асосий қоидалар шакллантирилган, илмий янгилиги, натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, апробацияси ҳақидаги маълумотлар, чоп этилган натижалар ва диссертациянинг тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **“COVID-19 да метаболик синдром. Этиопатогенетик жиҳатлар ва асоратлар”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда метаболик синдромнинг этиологияси ва патогенези, метаболик синдром компонентлари ва COVID-19 ўртасидаги хавф алоқалари, шунингдек COVID-19 да турли тизимлар шикастланишининг клиник ва патофизиологик механизмлари бўйича маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг илмий-амалий маълумотлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Клиник материал ва тадқиқот усуллариининг умумий тавсифи”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг асосий материаллари ва усуллари баён этилган. Мазкур диссертация иши Республика ихтисослаштирилган кўп тармоқли “Зангиота-1” шифохонаси ва Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази негизида олиб борилди.

Тадқиқотнинг 1-босқичига (COVID-19 нинг ўткир даври) коронавирус инфекцияси тасдиқланган 102 нафар бемор киритилди. Уларнинг 42 нафари эркак ва 60 нафари аёл эди. Беморларнинг ёши 33 ёшдан 75 ёшгача бўлган. Метаболик синдром ташхиси IDF (2005 йил) мезонларига мувофиқ қўйилди. COVID-19 ташхиси клиник кўриниш, касалхонага ётқизилганда ўпканинг компьютер томографияси маълумотлари асосида қўйилди, шунингдек ПЗР (полимераза занжирли реакция) усули билан SARS-CoV-2 тести натижалари орқали тасдиқланди. Коронавирус инфекциясининг оғирлик даражаси қоннинг кислород билан тўйинганлик даражаси (SpO_2) ва компьютер томографияси натижалари асосида аниқланган ўпка шикастланишининг ҳажми бўйича белгиланди.

Иккинчи босқичга 2022 йилнинг январь-август ойлари давомида РИЭИАТМда стационар даволанишда бўлган 103 нафар бемор киритилди. Асосий гуруҳни COVID-19 билан касалланган 62 нафар бемор ташкил этди (улардан 37 нафари метаболик синдромли ва 25 нафари метаболик синдромсиз). Назорат гуруҳини COVID-19 билан касалланмаган 41 нафар

бемор (24 нафари метаболик синдромли ва 17 нафари метаболик синдромсиз) ташкил этди.

Барча текширилганларга умумий қабул қилинган тадқиқот усуллари қўлланилди: анамнез йиғиш (ёши, оилавий аҳволи, ижтимоий мавқеи), ҳамроҳ касалликларнинг мавжудлиги, ирсий мойиллик; антропометрик кўрсаткичлар (бўй ва тана вазнини ўлчаш, бел айланаси ва тана вазни индексини баҳолаш), шунингдек коагулограмма кўрсаткичлари, жигар ва буйрақларнинг функционал ҳолати, липид ва углевод алмашинуви ўрганилди, яллиғланиш маркерлари даражаси аниқланди.

Натижаларни статистик қайта ишлаш Microsoft Excel, IBM SPSS Statistica 23 ва MedCalc 18.5 версияси, easyROC 1.3.1 версияси дастурларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Фарқлар $p < 0,05$ бўлганда статистик жиҳатдан аҳамиятли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг **“Коронавирус инфекциясининг ўткир даврида метаболик синдром ва унинг таркибий қисмларининг клиник-биокимёвий хусусиятлари, хавф омиллари”** деб номланган учинчи бобида COVID-19 нинг ўткир босқичида метаболик синдромли беморларнинг анамнестик, умумий клиник ва лаборатория кўрсаткичлари ўрганилган.

Умумий когортада (102 бемор) текширилганларнинг катта қисми (75,5%) 50 ёшдан ошганлар (МС билан 51 (72,9%); ЭН 7,21; 95% ИИ 3,42-15,2; $p < 0,001$; МС сиз 29 (81,3%); ЭН 18,8; 95% ИИ 5,35-65,9; $p < 0,001$), уларнинг аксарияти 60 ёшдан ошган шахслар эди (МС билан оғриган 51 бемордан 74,5%; МС бўлмаган 26 бемордан 76,9%). Ўрганилган гуруҳларда жинсий фарқлар аниқланмади (ЭН 1,69; 95% ИИ 0,73-3,94; $p = 0,22$), бироқ МС гуруҳида аёллар улуши (62,9%) эркакларга нисбатан юқори бўлди (37,1%; ЭН 2,86; 95% ИИ 1,44-5,69; $p = 0,003$).

Иккала гуруҳдаги беморларнинг аксарияти COVID-19 нинг енгил ва ўртача оғир шакллари билан касалланган (ЭН 0,68; 95% ИИ 0,27-1,75; $p = 0,42$). Коронавирус инфекциясининг енгил кечиши МС бўлмаган гуруҳда кўпроқ кузатилди (37,5% га нисбатан 18,6%; ЭН 2,63; 95% ИИ 1,03-6,70; $p = 0,04$).

Клиник симптоматиканинг таҳлили шуни кўрсатдики, коронавирус инфекциясининг асосий кўринишлари - тана ҳароратининг кўтарилиши (68,6% га нисбатан 62,5%; ЭН 1,31; 95% ИИ 0,55-3,14; $p = 0,55$), йўтал (57,1% га қарши 43,8%; ЭН 1,71; 95% ИИ 0,74-3,99; $p = 0,21$) ва ҳид ва таъм билишнинг бузилиши (30,0% га нисбатан 28,1%; ЭН 1,10; 95% ИИ 0,43-2,76; $p = 0,85$) иккала гуруҳда ҳам бир хил даражада қайд этилган.

МС гуруҳида (СРО - $64,4 \pm 21,7$ мг/л; Д-димер - $3,03 \pm 3,77$ мг/л ва ИЛ-6 - $13,2 \pm 7,7$ пг/л) яллиғланиш маркерлари даражасининг МС бўлмаган гуруҳга нисбатан сезиларли даражада ошганлиги кузатилди (СРО - $45,5 \pm 18,0$ мг/л; $p < 0,0001$; Д-димер - $1,03 \pm 1,28$ мг/л; $p = 0,004$ ва ИЛ-6 - $5,8 \pm 3,9$ пг/л; $p = 0,0001$).

Липид спектри кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили МС билан оғриган беморларда МС бўлмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ТГ ($2,27 \pm 1,01$ ммол/л) ва ЮЗЛП ($1,12 \pm 0,27$ ммол/л) нинг статистик жиҳатдан сезиларли даражада юқори қийматларини аниқлади (мос равишда $1,41 \pm 0,42$ ммол/л; $p < 0,0001$ ва $1,24 \pm 0,27$ ммол/л; $p = 0,03$). Липид профилининг қолган

кўрсаткичлари (УХС $4,83 \pm 1,54$ ммол/л га қарши $4,33 \pm 1,15$ ммол/л; $p=0,11$; ПЗЛП $2,82 \pm 1,01$ ммол/л га қарши $2,59 \pm 0,91$ ммол/л; $p=0,27$; J $0,93 \pm 0,81$ ммол/л га қарши $0,84 \pm 0,55$ ммол/л; $p=0,57$) сезиларли даражада фарқ қилмаса-да, МС бўлган гуруҳда улар МС бўлмаган гуруҳга қараганда юқорироқ эди.

МС билан оғриган ва МС бўлмаган гуруҳларда аполипопротеинларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, МС бўлган гуруҳда АроВ даражаси ($1,32 \pm 0,37$ г/л) ва АроВ/АроА нисбати ($1,14 \pm 0,38$) МС бўлмаган гуруҳ маълумотларига нисбатан сезиларли даражада юқори эди (мос равишда $1,10 \pm 0,29$ г/л; $p=0,003$ ва $0,83 \pm 0,19$; $p < 0,001$). Аксинча, Аро А1 миқдори МС бўлган гуруҳда сезиларли даражада паст бўлган ($1,21 \pm 0,26$ г/л; МС сиз - $1,32 \pm 0,18$ г/л; $p=0,03$).

ТГ миқдорининг ошиши ва ЮЗЛП миқдорининг пасайиши кўринишидаги дислипидемия кўпроқ МС билан оғриган беморларга хос бўлган, бундан ташқари, АроВ даражасининг ошиши ва АроВ/АроА1 индексининг ошиши ҳамда АроА1 таркибининг пасайиши кўринишидаги сезиларли атероген дисбаланс кузатилган.


Кейинчалик биз МС бўлган ва бўлмаган гуруҳларда углевод алмашинуви кўрсаткичларини таққосладик. МС бўлган гуруҳда оч қоринга гликемия ($8,78 \pm 5,18$ ммол/л), инсулин даражаси ($15,5 \pm 11,3$ мкЕд/мл), НОМА-IR ($6,34 \pm 6,89$), шунингдек, ТГИ ($2,0 \pm 0,78$) МС бўлмаган беморларга қараганда сезиларли даражада юқори эди (мос равишда $4,98 \pm 1,37$ ммол/л; $p=0,0001$; $8,49 \pm 7,30$ мкБ/мл; $p=0,002$; $1,84 \pm 1,62$; $p=0,0004$; $1,19 \pm 0,44$; $p < 0,0001$). НbA1c даражаси ($7,25 \pm 3,76\%$ га қарши $5,90 \pm 1,52\%$; $p=0,05$) статистик жиҳатдан ишончли бўлмаса-да, МС гуруҳида ҳам юқорироқ эди.

Углевод алмашинувининг бузилиши (оч қоринга глюкоза, инсулин ва НОМА-IR нинг юқори кўрсаткичлари) кўпроқ МС билан оғриган беморларга хосдир. Бундан ташқари, ТГИ нисбатида номутаносиблик мавжуд.

Кейинчалик, биз COVID-19 нинг ўткир даврида МС таркибий қисмларининг учраш ҳолатлари сонини баҳоладик. МС билан оғриган беморлар когортасида (бел айланаси - БА - $103,3 \pm 8,4$ см) гипертриглицеридемия ($65,7\%$) энг кўп қайд этилган, иккинчи энг кўп учрайдиган компонент АГ ($60,0\%$), сўнгра ЮЗЛП даражасининг пасайиши ($55,7\%$), углевод алмашинувининг бузилиши $55,7\%$ да қайд этилган. Алоҳида компонентларнинг учраш частотаси бўйича статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланмади.

МС бўлмаган гуруҳда (БА - $82,3 \pm 6,9$ см) бир хил частотада ($18,8\%$) АБ $\geq 130/80$ мм сим.уст., ТГ $\geq 1,7$ ммол/л ва ГН $> 5,6$ ммол/л, ЮЗЛП $< 1,03$ ммол/л дан биров кам бўлган беморлар ($15,6\%$) кузатилди.

COVID-19 нинг ўткир даврида МС билан оғриган шахслар орасида 3 компонентнинг турли хил вариациялари энг кўп учради ($71,4\%$; ЭН $6,26$; 95% ИИ $3,0-13,0$; $p < 0,0001$): БА+↑ТГ+↑ГН - $15,7\%$; БА+↑АБ+↑ГН - $14,3\%$; БА+↑АБ+↑ТГ - $12,9\%$; БА+↑ТГ+↓ЮЗЛП - $12,9\%$; БА+↑АБ+↓ЮЗЛП - $8,6\%$ ва БА+↑ГН+↓ЮЗЛП - $7,1\%$ (1-расм).



1-расм. COVID-19 нинг ўткир даврида МС таркибий қисмларининг турли кўринишлари тузилмаси.

4 компонентли вариантлар 22,9% ҳолатларда кузатилди: ОТ+↑АБ+↑ТГ+↓ЮЗЛП – 12,9%; ОТ+↑АБ+↑ГН+↓ЮЗЛП – 4,3%; ОТ+↑ТГ+↑ГН+↓ЮЗЛП – 4,3% ва ОТ+↑АБ+↑ТГ+↑ГН – 1,4%. 5 компонентли (ОТ+↑АБ+↑ТГ+↑ГН+↓ЮЗЛП) ҳолат 5,7% ҳолларда қайд этилди. Умумий когортада ↑ТГ учраши 65,7%, ↑АБ – 60,0%, ↑ГН – 52,9%, ↓ЮЗЛП – 55,7% ни ташкил этди.

Шундай қилиб, ўрганилган популяцияда МСнинг уч компонентли шакли (71,4%) устунлик қилди, бунда гипертриглицеридемия (65,7%) ва артериал гипертензия (60,0%) кўпроқ учраганлиги аниқланди.

Коронавирус инфекциясининг ўткир даврида МС билан оғриган ва оғримаган беморларда метаболик бузилишлар ривожланишига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, қон босимининг кўтарилиши МС билан оғриган беморларда кўпроқ кузатилди. Хусусан, САБ $\geq 130,0$ мм сим. уст. (ЭН 8,31; 95% ИИ 3,01-22,9; $p < 0,001$) ва ДАБ ≥ 85 мм сим. уст. (ЭН 5,40; 95% ИИ 2,11-13,8; $p < 0,001$) ҳамда $\geq 130/80$ мм сим. уст. (ЭН 6,50; 95% ИИ 2,37-17,8; $p < 0,001$) кўрсаткичлари МС билан оғриган беморларда сезиларли даражада кўпроқ кузатилди.

Липид спектри кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, МС билан оғриган беморлар орасида ТГ $\geq 1,7$ ммол/л (65,7% га нисбатан 18,8%; ЭН 3,65; 95% ИИ 1,34-9,97; $p = 0,009$) ва ЮЗЛП $< 1,03$ ммол/л (55,7% га нисбатан 15,6%; ЭН 23,3; 95% ИИ 3,0-180,0; $p < 0,001$) ҳоллари кўпроқ учраганлиги аниқланди.

УХС $\geq 5,2$ ммол/л (40,0% га нисбатан 18,8%; ЭН 1,47; 95% ИИ 0,60-3,56; $p = 0,39$) ва ПЗЛП $\geq 3,5$ ммол/л (47,1% га нисбатан 18,8%; ЭН 2,28; 95% ИИ 0,93-

5,62; $p=0,07$) кўрсаткичлари сезиларли даражада фарқ қилмаган бўлса-да, МС гуруҳида юқориқроқ бўлди.


Углевод алмашинуви кўрсаткичларининг таҳлили натижасида қуйидаги бузилишлар аниқланди: ОқГ $>5,6$ ммол/л (52,9% га нисбатан 18,8%; ЭН 3,86; 95% ИИ 1,42-10,5; $p=0,008$), инсулин $\geq 25,0$ мкБ/мл (28,6% га қарши 6,3%; ЭН 6,0; 95% ИИ 1,31-27,5; $p=0,02$), НОМА-IR $>2,7$ (57,1% қарши 12,5%; ЭН 9,33; 95% ИИ 2,95-29,5; $p=0,0001$) ва ТГИ $>1,52$ (71,4% га қарши 18,8%; ЭН 10,8; 95% ИИ 3,88-30,3; $p<0,001$) МС гуруҳидаги беморларнинг сезиларли даражада кўпроқ қисмида кузатилди. Бироқ HbA1c миқдори $\geq 6,1\%$ бўлган ҳолатлар частотаси (37,1% га нисбатан 9,4%; ЭН 2,11; 95% ИИ 0,80-5,56; $p=0,13$) сезиларли фарқ қилмади.

Наҳорги гипергликемия COVID-19 нинг оғир кечиши бўлган МС билан оғриган беморларда сезиларли даражада кўпроқ аниқланди (82,6% га нисбатан 32,9%; ЭН 7,65; 95% ИИ 2,24-26,1; $p<0,001$). Анамнезида қандли диабет 12 (17,1%) нафар беморда аниқланган.

Коронавирус инфекциясининг ўткир даврида ТГИ кўрсаткичи ($p=0,53$; $p<0,0001$), СРО даражаси ($p=0,46$; $p<0,0001$), инсулин ($p=0,44$; $p<0,0001$), Д-димер ($p=0,43$; $p<0,0001$), ИЛ-6 ($p=0,50$; $p<0,0001$), АроВ/АроА нисбати ($p=0,51$; $p<0,0001$) билан кучли боғлиқлик аниқланди.

Коронавирус инфекциясининг ўткир даврида метаболик синдромли беморларда асоратлар ривожланиши билан боғлиқ статистик аҳамиятга эга омилларни аниқлаш мақсадида прогностик моделни тузиш учун кўп ўлчовли логистик регрессия ва ROC таҳлилидан фойдаланилди.

Липид алмашинуви кўрсаткичларидан ТГ энг юқори прогностик аҳамиятга эга эканлиги аниқланди (AUC 0,788; 95% ИИ 0,695-0,862; $p<0,0001$; чегара нуқтаси $>1,60$ ммол/л; Se - 0,529; Sp - 0,969) (2-расм).



2-расм. Липид (а, б) ва углевод (в) алмашинуви кўрсаткичларининг ROC эгри чизиғи, COVID-19 нинг ўткир даврида асоратларни прогноз қилиш модели (г)

Прогноз нуқтаи назаридан “яхши” диагностик қиймат ЮЗЛП учун аниқланди (AUC 0,703; 95% ИИ 0,604-0,789; $p=0,0003$; чегаравий нуқта $\leq 1,13$ ммол/л; Se - 0,571; Sp - 0,844). Углевод алмашинуви кўрсаткичларидан прогноз учун истиқболли бўлганлар: НОМА IR (AUC 0,827; 95% ИИ 0,740 - 0,895; $p<0,0001$; чегаравий нуқта $>1,81$; Se - 0,757; Sp - 0,813) – “жуда яхши” даражада;

инсулин (AUC 0,774; 95% ИИ 0,680 - 0,851; $p < 0,0001$; чегаравий нуқта $> 7,81$ мкБ/мл; Se - 0,700; Sp - 0,781) ва оч қоринга глюкоза миқдори (AUC 0,732; 95% ИИ 0,635 - 0,815; $p = 0,0003$; чегаравий нуқта $> 5,48$ ммол/л; Se - 0,843; Sp - 0,625) “яхши” мезонига мос келди.

Кўп омилли логистик регрессия натижаларига кўра, барча 13 та омилни ҳисобга олган ҳолда прогноз сифатининг сезиларли даражада яхшиланиши кузатилди. Олинган натижаларга асосан, моделнинг прогностик қиймати AUC 0,978 билан “аъло” мезонига мос келади; 95% ИИ 0,915-0,998; $p < 0,001$; Se – 0,860; Sp – 0,950. Қурилган регрессия модели кўриб чиқилган омиллар ўртасидаги боғлиқликни 83,4% даражада ифодалайди.

Диссертациянинг **“COVID-19 ўтказган беморларнинг клиник-биокимёвий хусусиятлари ва касаллик оғирлигининг метаболик синдром ҳамда унинг таркибий қисмлари билан ўзаро боғлиқлиги”** деб номланган тўртинчи бобида МС ва ёки унинг таркибий қисмлари бўлган беморларда COVID-19 нинг клиник ва метаболик кўринишларининг таҳлили келтирилган.

Тадқиқотга 2022 йилнинг январь-август ойларида РИИАТЭМ да стационар даволанган 103 нафар бемор киритилган. Асосий гуруҳни COVID-19 ўтказган 62 нафар бемор ташкил этди (улардан 37 нафари метаболик синдромли ва 25 нафари метаболик синдромсиз). Назорат гуруҳини COVID-19 билан касалланмаган 41 нафар бемор (24 нафари метаболик синдромли ва 17 нафари метаболик синдромсиз) ташкил этди.

Коронавирус инфекциясидан кейинги давр 0 дан 3 йилгача (МС билан ўртача $18,8 \pm 7,8$ ой ва МС сиз $18,4 \pm 7,5$ ой; $p = 0,51$) бўлган. МС гуруҳидаги беморларда ҚД давомийлиги ўртача $5,63 \pm 2,9$ йилни ташкил этиб, 2 йилдан 12 йилгача ўзгариб турган.

COVID-19 ўтказган метаболик синдромли беморларда МС бўлмаган беморларга ($1,60 \pm 0,64$ ммол/л; $p = 0,0004$) нисбатан ТГ ($3,53 \pm 2,54$ ммол/л) миқдори статистик жиҳатдан сезиларли даражада юқори ва ЮЗЛП ($1,02 \pm 0,30$ ммол/л ва $1,32 \pm 0,43$ ммол/л мос равишда; $p = 0,002$) даражаси паст эканлиги аниқланди.

Бундан ташқари, АроА1 миқдори МС билан оғриган беморларда ($1,23 \pm 0,29$ г/л) МС бўлмаган беморларга ($1,48 \pm 0,47$ г/л; $p = 0,02$) нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада паст бўлган ва АроВ даражаси ($1,48 \pm 0,47$ г/л ва $1,19 \pm 0,25$ г/л мос равишда; $p = 0,01$) ҳамда АроВ/АроА нисбати ($1,24 \pm 0,38$ ва $0,86 \pm 0,27$ мос равишда; $p = 0,0002$) статистик жиҳатдан сезиларли даражада юқори бўлган.

COVID-19 ўтказган ва ўтказмаган МС билан оғриган беморларда липид спектри параметрларининг қиёсий таҳлили, шунингдек, ТГ ($2,27 \pm 1,89$ ммол/л; $p = 0,04$), ЮЗЛП ($1,27 \pm 0,45$ ммол/л; $p = 0,02$), АроВ ($1,10 \pm 0,28$ г/л; $p = 0,01$) ва АроВ/АроА нисбати ($0,90 \pm 0,25$; $p = 0,003$) миқдорлари бўйича статистик жиҳатдан сезиларли фарқларни кўрсатди.

Коронавирус инфекциясини ўтказган, метаболик синдром билан оғриган ва метаболик синдроми бўлмаган беморларда углевод алмашинуви кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили ўтказилди. МС бўлган гуруҳда оч қорин ҳолатидаги гликемия ($6,99 \pm 3,84$ ммол/л), инсулин миқдори ($16,5 \pm 11,7$

мкЕд/мл), НОМА-IR ($3,42 \pm 2,1$) ва ТГИ ($2,49 \pm 0,91$) қийматлари МС бўлмаган беморларга нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди (мос равишда: $4,68 \pm 0,85$ ммол/л; $p = 0,005$; $7,16 \pm 4,76$ мкБ/мл; $p = 0,0004$; $1,43 \pm 0,79$; $p < 0,0001$; $1,37 \pm 0,31$; $p < 0,0001$).

COVID-19 ўтказган ва ўтказмаган метаболик синдромли беморларда углевод алмашинуви кўрсаткичлари таҳлили инсулин ($10,6 \pm 8,2$ мкБ/мл; $p=0,04$), НОМА-IR ($2,47 \pm 0,86$; $p=0,04$) ва ТГИ ($1,66 \pm 0,62$; $p=0,0002$) даражаларида статистик жиҳатдан сезиларли фарқларни аниқлади.

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичи COVID-19 ўтказган беморларда МС таркибий қисмларининг учрашини ўрганишдан иборат эди.

Метаболик синдром билан оғримаган (ОТ - $83,9 \pm 7,0$ см, $n=25$) SARS-CoV-2 билан касалланган беморлар орасида гиперпертриглицеридемия (28,6%), артериал гипертензия (23,8%), ЮЗЛП концентрациясининг пасайиши (21,4%) ва оч қоринга гипергликемия (7,1%) кўпроқ учрайди.

Коронавирус инфекцияси билан касалланмаган МС билан оғриган беморлар гуруҳида (ОТ - $104,5 \pm 9,9$ см, $n=24$) гиперпертриглицеридемия 50,0% ҳолларда, оч қоринга гипергликемия 37,5% ҳолларда қайд этилган, бунда артериал гипертензия ва ЮЗЛП даражасининг пасайиши бир хил частотада - 33,3% дан аниқланган.

COVID-19 ўтказган МСли беморлар гуруҳида (УТ - $106,3 \pm 10,3$ см, $n=37$) кўпинча қуйидагилар қайд этилган: $\uparrow$ TG (81,1% - ЭН 4,29; 95% ИИ 1,36-13,5; $p=0,01$), $\uparrow$ ҚББ (75,7% - ЭН 6,22; 95% ИИ 2,0-19,3; $p=0,002$), $\downarrow$ ЮЗЛП (70,3% - ЭН 4,73; 95% ИИ 1,57-14,2; $p=0,005$) ва $\uparrow$ ГН (37,8% - ЭН 1,01; 95% ИИ 0,35-2,93; $p=0,98$).


COVID-19 ўтказган ва ўтказмаган беморлар орасида метаболик синдром компонентларининг учраш частотасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, иккала гуруҳда ҳам 3 компонентли вариантлар устунлик қилган (COVID-19 билан - 70,3%; COVID-19 сиз - 91,7%). Тўрт ва ундан ортиқ компонентлар COVID-19 ўтказган беморлар орасида сезиларли даражада кўпроқ учради (29,7% га нисбатан 8,4%; $\chi^2 = 3,97$; $p = 0,04$). COVID-19 ўтказган МС билан оғриган беморларда МС бўлмаган шахсларга нисбатан ОТ ва қатор клиник-лаборатор кўрсаткичлар: COVID-19 кечишининг оғирлиги ($p=0,39$; $p=0,002$), АроВ/АроА нисбати ($p=0,29$; $p=0,02$), ТГИ ($p=0,61$; $p<0,0001$), S даражаси ($p=0,41$; $p=0,001$), гамма ГТ ($p=0,31$; $p=0,02$), инсулин даражаси ($p=0,40$; $p=0,001$), TG ($p=0,40$; $p=0,001$), НОМА-IR ($p=0,48$; $p<0,0001$), шунингдек, PZLP даражаси ($p=0,45$; $p<0,0001$) ўртасида тўғридан-тўғри кучли корреляцион боғлиқлик аниқланди.

ЮЗЛП ва УТ ($p = -0,29$; $p = 0,02$), аполипопротеинларнинг В/А1 нисбати ($p = -0,33$; $p = 0,01$), ТГИ ($p = -0,35$; $p = 0,005$), тана вазни индекси (ТВИ; $p = -0,36$; $p = 0,004$) ва НОМА-IR ($p = -0,26$; $p = 0,04$) ўртасида тескари корреляция аниқланди.

Коронавирус инфекциясини бошдан кечирган МС билан оғриган беморларда асоратлар ривожланиш хавфини прогноз қилиш учун якуний кўп омилли моделни куриш учун босқичма-босқич алгоритм ёрдамида танланган ўзгарувчилар ишлатилди.

